

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқо бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 235 (10.038)

2003 ЙИЛ 4 ДЕКАБРЬ

Истиклол, Хурлик, Озодлик! Бу муштарак, муқаддас тушунчалар маъно-моҳиятини чуқур англаб етган халқимиз ўзининг беқиёс куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этиш имконига эғаллигини қалбан ҳис этиб яшамокда. Бугун дунё ўзбекка, Ўзбекистонга қараб ҳайратланаётир. Қисқа муддатда Ўртбошимиз раҳнамолигида халқимизнинг мардонатор меҳнати эвазига бунёдга келган ривожланишнинг «ўзбек модели» халқаро миқёсда эътироф этилапти.

АНДИЖОН АҲЛИНИНГ ТАШАБУСКОРЛИГИ, АЗМУ ШИЖОАТИ ВА ЖАСОРАТИНИ ХАЛҚИМИЗ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш ҳамда ҳусуматини томонидан амалга ошириладиган туб ислохотларни ҳаётга жорий этилишида ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ўрни бор. Андижон ҳақида гап кетганда, вилоятнинг меҳнаткаш халқи эришадиган улкан ютуқларни тилга олмақ жоиздир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, андижонликлар бир ишга бел боғласа, астойдил, бутун борлиги билан қиршади, кўлаган ниятига эришмагунча тиним билмайди.

Дарҳақиқат, сўзи билан иши бир, деймо изланиб ўшайдиган, ташаббускор андижонликлар истиклол йилларида қилмоқ ҳўжалигининг барча соҳасида ўзига хос мактаб яратди. Вилоят дехқонлари ер, сув, техника ва ўғитдан фойдаланиш, уруччиликни яхшилашга жиддий эътибори туфайли пахта, галла етиштиришда улкан ютуқларга эришмоқда. Ғузани плёнка остида парваришлаш усулига Ўртбошимиз «Андижон технологияси» дея таъриф берган эди. Айни пайтда Андижонда галла уруччилиги мактаби шаклланди. Вилоятда истиклол йилларида галла ҳосилдорлиги уч баробарга ортиб, гектарига етмиш центнердан ошириб ҳирмон кўтарилмоқда.

Андижон нафақат қилмоқ ҳўжалиги, балки саноати ҳам жадал ривожланаётган вилоятдир. Ўзбек автомобилсозлиги шу вилоятда туғилди. Бугун ўзбекнинг «Нексиа», «Матиз», «Дамас», «Ласетти», «Тико-си» жаҳон автомобиль бозорига ўз ўрни ва мавқега эга.

Сўнгги йилларда вилоятда барпо этилган янги турар жойлар, маиший хизмат, академик лицей ва касб-ҳўнар коллежлари, оилавий поликлиника, қилмоқ врачлик пунктлари ва истироҳат боғлари шаҳар қилмоқларга кўрк бериб турибди. Яна бир қувончли жиҳати - спортда ҳам «Андижон мактаби» шаклланди. Бокс-чилар - Мухаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров ва Руслан Чагаев бутун Ўзбекистоннинг ифтихорига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Фармонига биноан юртимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги арафасида вилоят аҳлининг мамлакатимиз тараққиёти ва салоҳиятини юксалтириш, барча тармоқларда ислохотларни изчил амалга ошириш йўлида фидойилик кўрсатаётгани, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, миллий кадрларни асраб-авайлаш, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан ишларини эътиборга олиб, Андижон вилояти Амир Темур ордени билан мукофотланган эди.

Шу йил 3 декабрь куни Андижон вилояти ҳокимлигида ана шу юксак мукофотни топиширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Уни вилоят ҳокими, Ўзбекистон Қарамони Қ.Обидов очди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нўтқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари вилоят аҳли эришадиган улкан ютуқларни, ҳусусан, автомобилсозлик, вилоят иқтисодиётига жалб этиладиган хориж инвестицияси, пахта ва галлачиликка қўлга киритилган тажрибаларини амалиётга янада кенроқ жорий этиш масалаларига атрафлича тўхтади. Амир Темур ордени Андижон аҳлининг фидойилиги, амилкорлиги ва тантаналига берилган муносиб баҳоқир, деди Ўртбошимиз.

Президентимиз Ватанимизнинг юксак мукофотини Андижон вилояти ҳокими топширди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Тулан Низом, Баликчи туманидаги «Намуна» ширкат ҳўжалиги раиси А.Ҳожиёв, қурилиш материаллари компанияси раҳбари А.Козлов, Андижон муҳандислик-иқтисодий институтини талабаси Ҳ.Жўраева бундай юксак эътибори учун Ўртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Шу куни Президентимиз Андижон тиббиёт институтини қошидаги академик лицейида бўлиб, у ерда ўқувчиларнинг билим олиши учун яратилган шароит билан танишди.

Норали ОЧИЛОВ,
Саид ШУКУРОВ,
ЎЗА махсус муҳбирлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш, капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалаларида унинг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг муҳим вазифалари ҳисоблансин:
 - шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини ўтказиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳар ва қилмоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
 - капитал қурилишда ислохотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, танлов савдоларини шакллантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
 - лоийҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини

- шакллантириш, қурилишнинг бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш;
 - капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
 - танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб бориш, объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш.
2. Куйидагилар:
 - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларнинг чекланган умумий сони 96 нафар, шу жумладан бошқарув ходимларининг сони 85 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси;
 - худудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг намунавий тузилмаси;
 - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар ҚИСҚА САТНАРДА

- **КЕЧА** «Фалла-Алтек» акциядорлик жамиятида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — фуқаролик жамияти қуришимизнинг ҳуқуқий замини» номи анжуман бўлиб ўтди.
- **БУГУН** Юнусобод туманида Тошкент шаҳар ўзара ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти аъзолари учун ташкил этилган хайрият тадбири Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман ҳокимликлари ҳамкорликларида уюштирилди.
- **КЕЧА** Компьютер касб-ҳунар коллежида «Соғ тан-

- да — соғлом ақл» мавзусида ўтказилган тадбир Ҳамза туман ҳокимлиги ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.
- **ТОШКЕНТ** мелиорация ва сув ҳўжалиги коллежида ташкил этилган тадбир яқинлашиб келаётган Конституция байрамига бағишланди. Унда ўқувчилар иштирокида ҳуқуқий билимларни юксалтиришга бағишланган кўрик-танлов уюштирилди.
- **ХАЛҚАРО** ногиронлар кунига бағишлаб «СанВикт» маркази ташаббуси билан хайрият тадбири ўтказилди.
- Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

XXI саҳоси ХАҲР

Мамлакатимизда

● Кеча Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузурдаги Фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентнинг XIII сессияси кун тартибига киритилган масалалар бўйича фикр алмашилди.

● Кеча «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасида юртимизнинг 49 нафар етакчи сиёсатчи, иқтисодчи ва жамоат арбоблари иштирокида уларнинг АҚШга «Очқ дунё» дастурида иштирок этиш учун жўнаб кетишларидан олдин брифинг бўлиб ўтди.

● Иқтисодий тадқиқотлар марказининг «Экономическое обозрение» журналда Ўзбекистон минтақалари ҳўжалик тизимлари ривожланиш рейтингининг 2002 йилдаги натижалари эълон қилинди. Унга кўра биринчи ўринларни Тошкент шаҳри, Навоий ва Фарғона вилоятлари эгаллади.

● Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтига адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасида олиб бориладиган ишларнинг самараси ва галдаги вазифаларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Украина ҳукуматининг қарорига кўра, Россия билан тортишувга сабаб бўлаётган Керчь бўғозининг Коса Тузла оролида янги чегара заставаси очилди.

● Тиббиётчиларнинг оғохлантиришга кўра, бу йилда кейинги 30 йил ичидаги энг оғир грипп эпидемияси кузатилади. У одатдагидан кўра анча олдин бошланади ва унинг вирусига қарши ҳозирги кўпгина мавжуд вакциналар оживлик қилади.

● «Вольво» компанияси АҚШ, Англия ва Швецияда сотилган автомобилларнинг ёқилги тизимидаги камчиликлар аниқланганлиги сабабли 71 минг донга автомобилларини қайтариб олишга қарор қилди.

● Франциянинг жанубий қисмидаги сув тошқини натижасида минглаб одамлар ўз уйларидан қўчирилди. Тошқин туфайли камида 4 нафар одам ҳаётдан кўз юмди.

● Ўзбекистон Республикаси делегацияси Япониянинг Нагоя шаҳрида бўлиб ўтадиган «ЭКСПО-2005» XXI асрнинг илмий-технологик ва иқтисодий иштирок этувчи мамлакатлар Бош вакилларининг биринчи йиғилишида қатнашди. Жаҳон кўрғазмасининг Бошқарувчи қўмитаси таркибидан юртимиз бош вакили ҳам ўрин олди.

**КОНСТИТУЦИЯ
ВА АЁЛЛАР**

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 11 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғуломова, Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш.Салимова ва бошқалар давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк кунлариданоқ аёлларнинг жамиятимиздаги ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш ва оиладаги маквеини янада оширишга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келаётганини таъкидлади. Конституциямизда аёллар ҳуқуқлари, оила ва ёш авлод манфаатларини муҳофаза қилишнинг барча ҳуқуқий асослари мустақамлаб қўйилган.

Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши Бош Қонунимизни ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Ўтган вақт мобайнида Хотин-қизлар кўмитаси томонидан аёлларнинг жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар жараёнига кенг жалб этиш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоялаш, ёш авлоднинг қомил инсон этиб тарбиялашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Тадбирда хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимини юксалтириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

У.З.А

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Давоми. Боши 1-бетда.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сони доирасида раиснинг уч нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари ҳамда 9 кишидан иборат хайъат бўлишига рўхсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида қўмита маркази аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг мазкур қўмита таркибиди:

Иқтисодиёт ва қурилишни ташкил этиш, янги технологиялар илмий-тадқиқот институти негизидида Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш марказини ташкил этиш;

Пудрат савдоларини (тендерларни) ташкил этиш республика бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат идорадан ташқари экспертиза бoш бошқармасининг капитал қурилишда нархларни шакллантириш минтақавий марказлари негизидида Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари ташкил этиш;

Давлат архитектура-қурилиш назорати бoш бошқармасининг Стандартлаштириш ва сертификатлаш бошқармаси негизидида ҳужжалик ҳисобидида Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бир ой муддатда Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази ҳамда Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказининг тузилмасини ва Марказлар тўғрисидаги низоомларни тасдиқласин.

5. Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати ин-

спекциялари, Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг намунавий тузилмалари шунингдек улар тўғрисидаги намунавий низоомлар маълумлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини жорий молиялаштириш давлат бюджетидида маблағлари ва бюджетдан ташқари манбалар, шу жумладан давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари ҳамда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари даромадларидан 10 фоиз ажратмалар ҳисобига амалга оширилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларини юкланган вазифаларни бажариш, шу жумладан нархларни шакллантириш масалалари бўйича керакли материаллар ва ахборотлар тақдим этиш учун шарт-шароитлар билан таъминласинлар.

8. Инвестиция лойиҳаларининг ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низоом тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 декабрь

**Иқтисодиёт
МАҲАЛЛИЙ
ХОМ АШЁДАН**

Италиянинг «Vortex Naudga» компаниясидан келтирилган замонавий техника-технологиялар ёрдамида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган «Mejiktom» масъулияти чекланган жамиятининг ташкил топганига 3 йил бўлди.

Республикамаиздаги хусусий ва давлат секторлариغا шартнома асосида черепицалар, том ёпиш қопламалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона учун зарур хом ашё Тошкент вилоятининг Бекобод, Навоий вилоятининг Оҳангарон заводларидан олиб келинади. Металлдан фарқли ўларок, кўм, цемент, пигмент хом ашёсидан тайёрланаётган турли ўлчамдаги черепицаларга ахтиёж ва талабнинг юқорилиги корхона ходимларининг ўз ишларига масъуллик ҳамда эътиборлиликдан десак хато қилмаймиз.

— Албатта ҳар бир соҳада рақобат ва олға интилиш бўлиши лозимлигини бугунги бозор аққол кўрсатиб турибди. Қанчалик кўп маҳсулот ишлаб чиқармаган аммо унинг сифати ва қофлати бўлмаса бундай маҳсулот билан узоқ фаолият юритиб бўлмайди, — дейди жамият раҳбари Равшан Ғафоров. — Шу боисдан ҳам ниятимиз ҳам сифатли ҳам ички бозорда рақобатга чидамли маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

**«ГОЛДЕН-ГАНЖ»-
НИНГ ҚЎЛИ ГУЛ
УСТАЛАРИ**

Қадим санъат намуналарини ўзида мужассам этган ганчкорлик, ўймакорлик, наққошлик асарларини синчковлик билан кузатган кишининг ундаги кўз илгамас жиҳатлардан лол қолмай илоҳи бўлмаса керак. Оддий ёғоч ва қурилиш хом ашёсидан кўзини яшнатувчи асарлар яратган хунармандларнинг ишлари ҳар қадамда ўз жилосини намойиш этади. «Усто» бирлашмаси қошидаги «Голден-ганж» хусусий фирмаси хунармандлари ҳам бугунги кунда бинолар кўрғига кўрк кўшиш борасида тинмай изланмоқдалар.

Йиллар давомида республикаимизнинг кўплаб ҳашаматли саройларига ички безак бериш ишларида иштирок этган ушбу фирманинг қўли гул хунармандлари бугунги кунда қурилиш давом этаётган Олий Мажлиснинг «Сенат» биноси учун янги дизайн яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

Фирманинг уста йигитлари Абдуғани Каримов, Йўлдош Қосимов, Ғайрат Ҳақимов ва Қаюм Маҳкамоллар ўз ишининг билимдонларидир. Улар томонидан тақлиф этилган безак намуналари бугунги кунда ўзининг жимжимдорлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Олий Мажлис биноси фойе-сидида ажойиб тарзда ишлов берилган ганч ва ўймакорлик ишлари, Республика Прокуратура-раси янги биносининг ички безаклари, Пахта банки биносидидаги ўзига хос нақшлардан ҳам кўриниб турибдики, «Голден ганж» усталари бугунги кунда янги безак ва гўзал ўймакорлик намуналари устида тинмай изланиш ва интилишдадир.

Озода РАҲМАТОВА

ДЕМОКРАТИЯ МАҚТАБИ

Куни кеча «Оқибат» маҳалласида маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиларнинг ҳисобот-сйллов йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирга йиғилган кўчаларнинг вакиллари ва меҳмонлар олдида маҳалла фуқаролар йиғини раиси Марат Камолов ўтган ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар, шунингдек ечимини кутаётган муаммолар юзасидан батафсил ҳисоб берди.

Оқсоқол ҳисоботидан маълум бўлдики, ушбу маҳаллада ҳеч қандай иш фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари иштирокисиз амалга оширилмади. Ушбу гўшада корхона, ташкилотлар, муассасалар, озиқ-овқат дўконлари бўлмаганлиги сабабли ҳомиيارлар мадаидан фойдаланиш қийин кечсада, фаолларнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллани ободонлаштириш, кам таъминланганларнинг ижтимоий муҳофазаси йўлида оқилона йўللар изланмоқда.

Маҳаллада болалар

спортини ривожлантиришга ҳам бор имкониятларни ишга солган ҳолда ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, маҳалла болалар жамоаси «Футболмиз ке-

Мустақиллик, Наврўз байрамлари, Хотира ва Қадрлаш куни, хотин-қизлар байрамларида кекса, ноғирон кишилар, ёрдамга муҳтож, кам таъмин-

ланган оилаларга доимий тарзда совғалар ажратилиб, моддий ёрдам кўрсатиб борилади. Зиёмиддин Аҳмедов бошчилигидаги тўй-маъракалар комиссиясининг иши айниқса таҳсинга лойиқ. Улар бош-қошлигида маҳалладаги барча маросимлар ихчам ва бағратиб тарзда ўтади.

Шу билан бирга маҳаллада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, туман ободонлаштириш бошқармаси режаси асосида кўчаларга асфальт ётқириш ишлари ҳамон амалга оширилма-

ган, кўчаларни ёритиш ишларини ҳам қониқарли аҳволда деб бўлмайди...

Тафтиш комиссияси раисининг ҳисоботидан сўнг вакиллар яқдиллик билан ҳар иккала ҳисоботни қониқарли деб топишди. Оқсоқолликка Анвар Ҳўжаев, Абдумутал Собирхўжаев ва Марат Камоловлар номзоди кўрсатилиб, халқ хоҳиш-иродаси билан аввалги оқсоқол яна қайтадан фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

Маслаҳатчиларнинг янги таркибидан эса Ғайрат Иноғомов, Туроб Орифжонов, Зиёдхўжа Низомиёв ва Ноиба Мирмухамедова каби ғайратли ва қуюнчак фаоллар ўрин олишди.

Маҳалладошлар маҳалла ҳудудида жойлашган маданият уйини маҳалла идораси учун ажратилиши, ариқларга сув келтириш каби тақлифларни билдиришди. Ўйлаймизки, ушбу ишлар яқин орада ҳал этилади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

**ОҚИБАТ ВА
АҲИЛЛИК МАСКАНИ**

Юнусобод туманида мўъжазгина «Оқибат» маҳалласи бор. Ушбу маҳалла ҳақиқатан ҳам фуқароларнинг аҳил-ҳамжиҳатлиги, оқибатлилиги, ёшларнинг эса жиноятчилик кўчаси ва турли оқимлардан узоқлиги билан узоқ-яқинга танилган.

Маданият

МЕХРИБОНЛИК — ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛИЙ ФАЗИЛАТИ

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида «Меҳрибонлик — халқимизнинг олий фазилати» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни кириш сўзи билан олий мактаб ректори Г.Хамроева очиб берди. Унда тарих фанлари номзоди Қ.Нишонбоева, фалсафа фанлари номзоди, доцент Х.Йулдошева, «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Адхамов ҳамда тарих фанлари номзоди, доцент Г.Абрововлар ўзларининг «Миллий урф-одат, анъаналарда меҳрибонлик-қадриятлар сифатида», «Меҳрдан яралган инсон», «Меҳрибонлик — инсон зийнати» ҳамда «Меҳр-мурувват, меҳрибонлик шаклланишида ўзбек оиласининг роли» мавзуларида маъруза қилдилар. Анжуман сўнгида қизиқарли музокаралар бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ ГУРУХ РЕЖАСИ

Ўзбекистон маданий ҳаётида кечаётган ўзгаришлар ҳақида ҳужжатли фильм тайёрлаш мақсадида Россиянинг «Культура» телеканали ижодий гуруҳи юртимизга ташриф буюрди. Ижодий гуруҳ Ўзбекистон бўйлаб мамлакатимиз маданий ҳаётининг ёрқин намуналарини тасвирга олишни режалаштирган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОЛГУ ИЖРОЧИЛИГИ МУАММОЛАРИ

Куни кеча Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданий институтида «Ўзбекистонда чолғу ижрочилиги муаммолари» мавзuida Республика илмий-назарий, амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирнинг бадиий қисмида институт талабалари ҳамда профессор ўқитувчилари томонидан концерт намойиш этилди. Сўнгра Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданий институти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент педагогика коллежи ҳамда Тошкент маданий коллежларидан профессор-ўқитувчилар ўзларининг қизиқарли маърузаси билан чиқиш қилдилар.

Баҳс-мунозарага бой тарзда уюштирилган ушбу анжуман йиғилганларда илқ таассурот қолдирди. **Гуларо АБДУЛЛАЕВА**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан

Бирлашма ташкилий таркибига қуввати 1 Мвт бўлган катта қуёш печи, 16та лаборатория, керамика бўлими, механик цех, интеллектуал мулкчилик бўлими ва кутубхона кирди. Бир кичик ва бир кўшма корхона мавжуд. Бирлашма томонидан халқаро «Гелиотехника» журнали чоп этилиб, АҚШнинг «Алпертон Пресс» фирмаси орқали инглиз тилига таржима қилинади ва чет элларга тарқатилади.

Бирлашмада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 5 академиги, 24 фан доктори ва 50 дан ортик фан номзоди фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони Республикаимиз фан-техникаси ва технологияси тараққиёти ривожига туб бурилишлар белгилаб берди. Фармонга асосан, илмий муассасаларнинг режалаштирилаётган лойиҳалари базавий молия билан таъминланмасдан, ҳар бир дастур ҳолис, мустақил экспертизадан ўтказилди. Бунда, биринчи навбатда, дастурнинг аниқ бир ишлаб чиқариш корхонаси ёки саноат бирлашмаси учун замонавий технологиялар асосида илмий ишланмалар яратиши ҳисобга олинади. Базавий молиялаштиришдан воз кечиб, илмий технология ва инновацион дастурларни молиялашда танлов усулининг қўлланилиши — илгор грант усулига ўтиш халқ ҳўжалиги учун зарур технологиялар яратиш ва уни зарур соҳага тез қўллаш имконини беради. Илмий муассасалар олдида Республикаимиз ижтимоий-иқтисодий талабларини қондирувчи замонавий илмий-технологик ишланмалар устида ишлаш ва жорий қилиш вазифасини қўйиш ва фақат уларни молия билан таъминлашни ташкил этиш Республикаимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги энг муҳим омиллардан биридир.

Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, бирлашмаимиз олимлари томонидан янги лойиҳалар тайёрлашда фундаментал лойиҳаларнинг жаҳон андозалари даражасида бўлиши, илмий-техник дастурлари бўйича олинган натижаларнинг Республикаимиз халқ ҳўжалиги учун хизмат қилиши ва «2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида энергияни тежаш дастури»ни бажаришга қаратилишига катта аҳамият берилмоқда. Натижада ҳодимларимиз томонидан тақдим қилинган 15 та фундаментал ва 18 та илмий-техник лойиҳанинг ҳаммаси экспертлар томонидан юқори баҳолашиб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланди. Бу бирлашмаимиз бўйича бажарилаётган ишларга берилган катта баҳоридир.

Бирлашманинг Физика-техника институтги бўйича тасдиқланган лойиҳалари ядро ва элементлар зарралар физикаси бўйича космик нурларнинг таркиби ва зарралар ва ядроларнинг таъсирлашув механизмини ўрганиши, ярим ўтказгичлар физикаси бўйича янги ярим ўтказгичли материаллар ҳосил қилиш, улар асосида ясалган асбобларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ва гелиотехника соҳасида қуёш энергиясини қайта ўзгартиришни янги самарали йўлларини тадқиқ қилишга қаратилган. Материалшўнослик институтги бўйича эса жамланган қуёш нурлари таъсирида маҳаллий хом ашё асосида турли хос-

саларга эга бўлган янги материаллар ҳосил қилиш, катта қуёш печининг функционал имкониятларини кенгайтириш каби долзарб вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

Олимларимиз томонидан яратилган ишланмалар бўйича халқ ҳўжалигининг турли соҳалари учун бирлашмаимизнинг «Қурилишгелиосервис» қўшма корхонаси томонидан ҳар йили 50-60 миллион сўмлик, «Керамика-Қуёш» кичик корхонаси томонидан 10-12 миллион сўмлик, ҳўжалик шартномалари бўйича ҳам бир неча миллион сўмлик турли қурилмалар, жиҳозлар, усқуналар яратиб берилмоқда. Бу маҳ-

дий нур толасидаги ва дисперсияси бошқариладиган нур толасидаги ҳодисалар ўрганилди.

Академик М.Саидов раҳбарлигида биринчи марта суяк эпителияси услуби билан суяк қалай эритмасидан гелий-стантум қаттиқ эритмаси, шунингдек суяк қўрғоқин эритмасидан Арсенид-галлий-рух-селен қаттиқ эритмалари олинди. Каттамаларнинг таркиби, биржислилиги ва баъзи бир электр хоссалари ўрганилди.

Гелиотехника соҳасида профессор Р.Авезов раҳбарлигида ясси коллекторли қуёш юстиги тизимида қисқа мuddатли қуёш нурлини ортиқча иссиқлиги йиғилишининг динамикасини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилди ва қисқа мuddатли иссиқлик аккумуляторли юзасини қўшимча ёритишнинг унинг ҳарорат режимига таъсири ўрганилди.

Профессор Ш.Мирсоатов раҳбарлигида турли мақсадлар учун мўлжалланган саноат қозонлари учун реал шартлолларни ҳисобга олган ҳолда, фотосезгирлик спектри ўзгартирилувчи ультрабинафша нурларни қабул қилгичнинг лаборатория нусхаси яратилди.

2002 йилда бирлашмаимиз ва Тошкент қурилиш ва коммунал касб-хўнар коллежи ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Республика қурилиш ва коммунал касб-хўнар коллежлари учун ноанъанавий энергия турларидан фойдаланиш бўйича янги педагогик технологиялар яратиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа тугалланди. Бу лойиҳа Республикаимиз коммунал-ҳўжалик жабаҳси учун Гелиотехник усқуналар ва жиҳозларни ишлашни назорат қилувчи, созловчи ва таъмирловчи ўрта бўғим мутахассисларини етиштириб чиқаришга қаратилган. Лойиҳани амалга ошириш давомида коллежлар учун 5 та дарслик ва ўқув қўлланмаси яратилди. Амалий машғулотлар учун қўرғамла қуриллар яратиб берилди. Қилинган ишлар асосида Тошкент қурилиш-коммунал коллежида «Қуёш энергиясидан фойдаланиш» илмий-ўқув маркази ташкил этилди. Бу марказда талабаларни ўқитишгана эмас, Республикаимизнинг қурилиш касб-хўнар коллежлари ўқитувчилари учун малакани ошириш курслари ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

2003 йил апрель ойида бирлашмаимизда Тошкент авиация институтги билан ҳамкорликда «Учиш аппаратлари мониторинги-2003» мавзусидаги халқаро илмий-техник конференция ўтказилди, август ойида бирлашмаимиз ҳамташкilotчилигида Самарқанд шаҳрида «Ядро физикасининг ҳозирги замон муаммолари» 5 халқаро конференцияси ўтказилди. Конференциялар ишида узоқ хориждан ҳам қўллаб олимлар иштирок этдилар ва бирлашмаимизда бажарилаётган ишларга катта баҳо бердилар. Ҳодимларимиз томонидан чет эл илмий наشرларида чоп этилаётган мақолалар, уларнинг халқаро илмий анжуманлардаги маърузалари, йирик хорижий марказлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар Республикаимиз фани ютуқларини бутун жаҳонга ёйишда, фанимиз равангани, Республикаимиз шўхратини намоян қилишда катта роль ўйнаши шўбҳасиздир.

Саъдулла ЛУТФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» ИИЧБ Бош директори, профессор.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАЛАРИ

«Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг йирик илмий муассасаларидан бири ҳисобланади. Бирлашмада фан соҳаларининг бош йўналиши бўйича фундаментал тадқиқотлар ва илмий-техник ишланмалар яратиш устида илмий изланишлар олиб борилди. Булар — қаттиқ жисмлар назарияси, ярим ўтказгичлар физикаси, юқори ва ўта юқори энергиялар физикаси, гелиотехника, муҳассамланган қуёш нурлари таъсирида янги материаллар ҳосил қилиш ва хоссаларини текшириш кабилардир.

сулотлар электротехника саноатида, тиббиётда ва энгил саноатда қўлланилмоқда. Бирлашмаимиз ҳодимлари томонидан бажарилаётган илмий ишларнинг, яратилган ишланмаларнинг жаҳон талаблари даражасида эканлигининг исботи тарикасида бирлашма олимларининг халқаро грантлар, халқаро илмий-техник ҳамкорлик шартномалари асосида олиб бораётган қўллаб ишларини келтириш мумкин. Чунки, халқаро битимлар бўйича, Ўзбекистон-Ҳиндистон маркази билан тузилган шартнома асосида Ҳиндистон Республикаси учун 3,2 миллион сўмлик, Миср Араб Республикаси билан тузилган шартномага асосан қуввати 1500 Вт бўлган кичик қуёш печи ўрнатиб берилиб, 54,0 минг АҚШ доллари миқдорида иш бажарилди. Булардан ташқари, БМТнинг «Интернет тармоғини кенгайтириш» лойиҳасига асосан 760 минг, халқаро Грантлар ва Украина илмий-техник маркази билан ҳамкорликда ҳар йили 100-200 минг АҚШ доллари миқдорида илмий иш бажарилимоқда.

Мустақиллик туфайли, ҳодимларимизнинг чет эллар илмий марказларида ишлашлари учун кенг имкониятлар очилди. Ҳар йили 20 дан ортик ҳодимимиз хорижий мамлакатларда илмий сафарларда бўлиб, йирик чет эл илмий марказлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар, чет эл университетларида маърузалар ўқимокдалар, халқаро конференциялар ишида қатнашмоқдалар.

Бирлашмаимизда кейинги йилларда грант маблағлари, ҳўжалик шартномалари ва бошқа тўшумлар ҳисобига ноёбоджет маблағларнинг бюджет маблағларига нисбати 4 мартадан зиёд бўлишига эришилди.

Бажарилаётган илмий ишларнинг сифат кўрсаткичлари сифатида ҳодимларимиз томонидан чоп этилаётган илмий мақолаларининг 75 фоизидан ортиги халқаро нуфузли илмий журналларда чоп этилишини кўрсатиш мумкин.

Бирлашмада олимлар томонидан олинган энг муҳим илмий натижалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Профессор Ф.Абдуллаев бошқараётган қаттиқ жисмлар назарияси лабораторияда од-

ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг сув муаммолари институти олимларининг гидроэкология соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари халқаро доирада ижобий баҳоланмоқда. Гидроэкологик изланишларнинг кейинги натижалари Европа Иттифоқи рейтингига олий квалификацияга эга бўлди.

Илмий муассаса олимларининг Италиянинг Катания шаҳрида ўтказилган «Атроф-муҳит ва саломатлик» деган

мавзудаги халқаро анжумандаги иштироки ҳам самарали бўлди.

Шуниси муҳимки, ушбу анжуманга бағишлаб чиқарилган илмий тўпламда институтнинг бу йўналишдаги фаолияти ҳам ўз ифодасини топди.

Бундан олдин институт Сан-Франциско шаҳрида «XXI аср гидроэкологияси, экология, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги» деган мавзуда ўтказилган халқаро анжуманда ҳам яхши баҳо олди.

Ақбар АЛИЕВ



Мактаб бу олий даргоҳ. Унинг бағрида униб-ўсган, таълим-тарбия олган ҳар бир бола фақат эзгулик сари интилади. **СУРАТДА:** 294-мактабнинг 6-синф ўқитувчиси Ирина Маматова болаларга маънавиятдан сабоқ бермоқда. **Бурхон Ризакулов олган сурат.**

Конституциямиз яшамокда ва амаа қилмоқда

МАХАЛЛАМИЗ НОМИ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Яккасарой туманида жойлашган бизнинг маҳалламиз — «Конституция» деб номланади. Бундай ном билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки, ҳар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири — унинг Асосий Қонуни — Конституцияси ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қайси жамият келажакни қўлаб ашайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустахкам қиришга ҳаракат қилади. Шу нуктага назардан Республикаимиз мустақиллигининг илк даврларида жамиятимиз эришган буюк ютуқлардан бири — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юзага келиши бўлди. Конституцияимизнинг моҳияти — халқ, миллат, инсон ва шахс манфаатидир. Асосий Қонунимизда меҳр-оқибат, иймон, ор-номус, Ватанга, миллатга садоқатли бўлиш каби ҳусусиятлар муҳассаслашган ва миллий, маънавий, ҳуқуқий қадриятлар ҳамда давлатчилигимизнинг раванки ўз аксини топган.

Конституцияимизни қанчалки пухта билсак, эъзозлаб, ҳурмат қилсак, демак, жоннажон Ватанимизни ҳам шунчалки ҳурмат қилган бўлаемиз.

Бугунги кунда, Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишнинг ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишидан сўнг фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ибратли юмушлар амалга оширилмоқда.

Ушбу жараёни маҳалла тизими фаолияти мисолида кўрадиган бўлсак, бу ўринда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар комитетлари раислари, котиб, сардор, педагог-тарбиячилар ва маҳалла фаолларининг иштирокчилари даркорлиги аён бўлади. Бу борада уларнинг вазифалари Конституцияимизнинг моҳиятини фуқаролар онгига синдириш, уларда жамият, давлат олдидagi бунд ва мажбуриятларини ҳис элтириш, шунингдек ўларнинг ҳуқуқ ва вако-

латларидан тўғри фойдалана билиш, қолаверса, халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш, ёшларимизни маънаван ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашдан иборатдир.

Маълумки, биз қураётган демократик жамиятда маҳалла — фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели сифатида тан олинган. Унинг қонуний ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида қатъий белгилаб қўйилган. Шундай экан, айнан маҳаллаларда шаклланган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удуҳ ва аъёнларини кенг оммалаштириш маҳаллалар зиммасидир.

Бунга тўла хис қилган ҳолда, бизнинг маҳалламиз «исми жисмига монанд» деган нақлга

асосланиб иш юритиб келмоқда. Хусусан, маҳалламизда маънавий ва маърифий ишларга жиддий эътибор қаратилган. Аввало гузаримизда «Маънавият ва маърифат» хонасини ташкил этдик ва уни зарурий буюмлар билан жиҳозладик ва плакатлар билан безадик. Маҳалламизнинг деярли ҳамма тadbирлари шу хонада ўтказилиб келинмоқда.

Маҳалламиз ҳудудида жойлашган Тошкент Давлат педагогик университети билан ҳам яхши ҳамкорликни юлға қўйганмиз. Хусусан, университет ректори, профессор Б.Қодиров билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тuzганмиз. Ушбу шартнома асосида улар маҳалла ва маънавий, маърифий ва айрим ишларда амалий кўмак беришмоқда.

Бобур номли маданият ва истироҳат боғи ҳам маҳалламиз ҳудудидан ўрин олган. Маҳалламиз ёшлари боғдаги спорт майдончаларидан умумий фойдаланмоқдалар. «Спарта» соғломлаштириш спорт комплекси эса маҳалламиз ёшларига имтиёзлаб, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига bepул хизмат кўрсатмоқда.

Биз Конституция кунини ҳар йили муносиб кутиб олишга ҳаракат қиламиз. Бугун ҳам ушбу байрам муносабати билан катта тadbир ўтказамиз. Tadbирга туманимиз ҳуқуқ-тартибот ходимларини, жумладан Яккасарой тумани прокурори Бахтиёр Хўжаевни таклиф қилиб, улар билан жонли суҳбат ўтказмоқчимиз. Шу билан бирга Республикаимизнинг танили хонанда ва рақосалари томонидан катта байрам концертини уюштирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, биз маҳалла ахли барчани кутлуг айём — ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституцияимизнинг 11 йиллиги билан чин қалбимиздан муборақбод этамиз ва ҳаммангизга сихат-саломатлик, хондонларингизга тинчлик-тотувлик ва файзу барака тилаймиз.

Комилжон МУХАМАДЁРОВ, Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалласи оқсоқоли.

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

Юртимизни мадҳ этувчи ажойиб қўшиқларни кашф этиб, халқимиз ичидagi истеъдодларни элга танитиш аънамага айланмоқда. Бу борада шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши узвий фаолият кўрсатиб, ҳар йили санъатнинг турли соҳалари бўйича янги-янги истеъдодларни аниқлаб, уларга санъатнинг машаққатли ҳамда улғувор йўлида ўз ўринларини топишлари учун барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Кўни кеча Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўнига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» широри остида меҳнат жамоалари ва олий ўқув юртлири бадий ҳаваскорлик гуруҳлари иштирокида кўрик-танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу тadbирда меҳнатқашлар ва ёшларнинг ижтимоий муаммоларини акс элтирувчи, уларнинг маънавий ва эстетик тарбиясини ўстиришга катта ҳисса қўшувчи, умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварликни қарор топтиришга ёрдам берувчи бадий дид ва юксак савияга эга бўлган асарлар иштирок этди.

Кўрик-танловда махсус тайинланган ҳакамлар иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолаб боришди. Унда катнашган бадий ҳаваскорлик жамоаларининг асарлари баҳоланди ва голиблар аниқ-

ланди. Биринчи ўринни ўз йўналишлари бўйича «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамиятининг меҳнат фахрийси Альбина Марқовича, Тошкент Давлат 2-тиббий институтининг талабаси Интизор Назруллоева, «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти Маданият саройининг «Калинушка» жамоаси, Тошкент Давлат Иқтисодий университетининг талабаси Хожмақбар Юсупов, Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройининг рақосалар гуруҳи, «Тошмаргёв» акциядорлик жамиятининг ишчиси Арсен Аметов, Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти корхонасининг ишчиси Аҳром Раҳмоновлар эгаллашди.

Ғолибларга диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Соҳиба УМАРОВА СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар. Тоҳир Нигматуллин онган суратлар.



Танловлар

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳияти ва натижаси кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилгандир. Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг асосий шартларидан бири эса — ҳар бир фуқаронинг Конституцияга доир билимларининг мукаммал, тўлиқ бўлишидир. Шунинг учун ҳам айни кунларда ҳар соҳа, ҳар жабҳада омманон ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тadbирлар кўплаб ўтказилмоқда. Фуқароларга, айниқса ёшларга Бош Қомусимиз мазмун-моҳиятини тushунтиришда маҳаллаларда ўтказиладиган тadbирларнинг таъсири кўпроқ бўлади. Бу борада Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республикамиздаги бир қатор давлат, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир неча йиллардан бери аънавий тарзда юртимиз маҳаллалари ўртасида кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. «Обод маҳалланинг мазмун ва моҳиятини, миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол катнашган маҳалла оқсоқоли» кўриқ-танловининг якуний — Республика босқичи танта-налари Ўзбекистон Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди.

ЭНГ ФАОЛ ОҚСОҚОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Кўни кеча «Обод маҳалланинг мазмун ва моҳиятини, миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол катнашган маҳалла оқсоқоли» кўриқ-танловининг якуний — Республика босқичи танта-налари Ўзбекистон Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди.

ҳаллалар ва оилаларда тинч-тотув муҳитни шакллантириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимдонликни тарғиб этиш, кексаларнинг касбий, ҳаётий, маънавий тажрибаларидан улар тарбиясида кенг фойдаланиш орқали

турли миллат ва эллик вакиллари ўртасида дўстлик, биродарлик, ҳамжихатлик ришталарини янада мустаҳкамлашга эътиборни қаратиш ва амалга оширилаётган ибратли юмушлар тўғрисида алоҳида тўхталиб, кам тарафданги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кўрик-танловда энг фаол иштирок этиб ғолибликни қўлга киритган оқсоқоллар ичидa Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласининг оқсоқоли Эркин Худойбердиевнинг ҳам борлиги кишини хурсанд этди. Танловда

қатор ғолиблар билан бир қаторда маҳаллаларнинг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раисларидан 14 нафари ҳам пул мукофоти билан тақдирландилар. Шунингдек, кўрик-танловда ҳомийлик қилган давлат, нодавлат ташкилотларининг фаоллик кўрсатган жонқуяр ходимларидан бир гуруҳига ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Тadbир сўнггида Ўзбекистон Миллий академик драма театри санъаткорлари томонидан «Қирмизи олма» спектакли намойиш этилди.

Шоира МУХАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросимидан лавҳалар. Рашид Галиев онган суратлар.

8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — давлатимизнинг Асосий Қонуни қабул қилинганга 11 йил тўлади. Гарчи бу мuddат тарих олдига жуда қисқа бўлиб қўринса-да, республикамиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда асрларга татигулик улкан ишларни амалга оширишда Конституциямиз муҳим омили бўла олди. Шу билан биргаликда, Конституциямиз давр синваларидан муваффақиятли олди, мустақиллигимизнинг, ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг чинакам қалқоқига айланди. Хозирда биз ўзимиз гурурлана оладиган, бутун дунёга кўз-кўз қилсак арзийдиган Асосий Қонунга эгамиз.

Маълумки, Конституцияни яратишда жаҳондаги тараққий топган мамлакатларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланилди, бунда асосий эътибор ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътибор этилган қоидаларни устулунини тан олишга қаратилди. Шу асосда собиқ шўролар тузуми вақтидаги қуруқ декларатив мазмундаги Конституцияимиз ўрнига инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамма нарсасдан устун қўювчи, уларни қалқоқловчи янги Конституция вужудга келди.

Конституцияимизнинг 13-моддасида мустаҳкамлаб қўйилгандек «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати

ЭРКИНЛИК ВА МАНФААТЛАР КАФОЛАТЛАНГАН ҚОМУС

ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонуналар билан ҳимоя қилинади».

Жамиятимиздаги демократик ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишда эса прокуратура идораларига салмоқли вазифалар юклатилган. Асосий Қонунимизнинг XXIV боби прокуратурага бағишланган. Бунда белгилаб қўйилишича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидa қонуларнинг аниқ ва бир хилда бақарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. (118-модда) Ўзбекистон Республикаси прокуратура органилари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органилари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат бўйсуниб амалга оширадилар. (120-модда). Прокуратуранинг ҳар қандай давлат органилари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб ўз ваколатларини амалга ошириши давлатимиз томонидан бу идорага қанчалки юксак ишонч ва шу билан бир вақтда улкан масъулият юклатилганини тасдиқлайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрь куни қабул қилинган, унга 2001 йил 29 август кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида қўриқ қўйилган ва ўзгартирилган қиритилиб, бу қўриқнинг янги тақрири амалга киритилган. Янги тақрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида прокуратура органиларининг асосий вазифалари деб қўйилганлар қонунда қўйилган. Конституция ва фаолият йўналиши ҳам шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонуларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; Ушлаб турилганни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонуларга риоя этилиши устидан назорат қилиш; Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Қўриқда айлиб ўтилгандек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қонуларга риоя этилиши устидан назорат қилиш йўналиши ҳам бизнинг Республикаимизда прокуратура фаолиятида нисбатан янги йўналишлар.

ИЛК САБОҚНИ ОЛИШМОҚДА

Бош Қомусимиз — Конституцияимизни ўрганишга йўналтирилган машғуллар мактабга тарбия муассасаларида болажонларимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тўғри шакллантириш йўлида хизмат қилмоқда.

Мирзо Улўбег туманидаги 380-балабалар босмасида ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг қомил инсон бўлиб вояга етилари, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган инсонлар қаторидан ўрн олишлари йўлида кўп саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Бу борада бош мудираси Закира Неймаг'нонованинг фикрларига қўлоқ тутамиз.

—Тарбия мазоанамизда Асосий Қонунимизни ўрганиш уч босқичда — ўрта ёш (3-4 ёш), катта ёш (4-5 ёш) ва мактабга тайёрлаб дaври (6-7) ёшлар билан алоҳида-алоҳида машғулловлар ўтвилиши билан олиб боришмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад эса болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар онгига давлатимиз рамзлари, Конституция ва қонуналар тўғрисидаги илк тасавурини ўйғотишдан иборатдир.

диган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш; Қонунийликни мустаҳкамлаш; Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя ва давлатнинг қонун билан қўриқлашданган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш; Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш.

Қўриқда айтилган вазифаларни амалга ошириш учун прокуратура идоралари ўз фаолиятларини қуйидаги асосий йўналишларда олиб борадилар: Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органилари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳримлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонуналарнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонуналар ижроси устидан назорат қилиш; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг риоя этилиши устидан назорат қилиш; Тергов-қидирув фаолиятини, суриштирувчи, дастлабки терговни амалга оширадиган органилар томонидан қонуналарнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш; Жиноятлар юзасидан дастлабки тергов бўлиб бориш; Судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда ҳўжалик низоларини қўришда тилғимиз эътибори, қонуналарга эид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш; Солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонуларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; Ушлаб турилганни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонуларга риоя этилиши устидан назорат қилиш; Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Ана шу вазифалар ва фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, амалдор қонуналар ва юқорида тилга олинган Низомага асосан хозирда республикамизда 5 та округ харбий прокуратуралари, 10 та ҳудудий харбий прокуратуралар ўзбекистон Республикаси Харбий прокурори раҳбарлигида фаолият кўрсатмоқда. Республика Харбий прокурори айни вақтда Бош прокурорнинг ўринбосари мақомига эга.

Конституцияимизнинг 11 йиллиги байрамини харбий прокуратура ходимлари ҳам хизмат фаолиятларида муносиб ютуқлар билан кутиб олиб, бутун Ўзбекистон халқи билан биргаликда кенг нишонландилар.

Х.ШАМСУДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Харбий прокуратураси Тергов босқамасининг харбий прокурори, адлия подполковниги.

Тарбия тасканларига

Кўни кеча мактабга тайёрлов гуруҳининг тарбиячиси Нигора Насриддинова ва мусика раҳбари Мастура Мамааткуловлар бошчилигида тайёрланган Конституция байрами бағишланган «Фарҳимиз, гуруҳимиз» деб номланган тadbир бўлиб ўтди.

Байрам эрталгида таклиф қилинган ота-оналар, бошқа ходимлари, маҳалла фаоллари жамои кичикойталар ижросида янграган байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз, она-Ватан ҳақидаги шеър ва қўшиқларни мазза қилиб тингладилар. Кичикойталарнинг тийрак ақли, кенг тафаккури, Асосий Қонунимизнинг ҳар бир моддалари ҳақидаги ўй-фикрлари ва уни ҳеч бир қийналмасдан ёд олиб, ўзларига хос шарҳлашлари қаншакилар қалбига бир олам гурур бағишлади.

Умидда ЮЛЧИБАЕВА

ЯГОНА ОИЛАДА

Биз ҳақ-ҳуқуқимиз, маданий-маънавий, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий жабҳаларни ўзидa муҳассас этган Асосий Қонунимиз қабул қилинган кўни кеча байрам сифатида нишонлаймиз. Ушбу сана ақинлаштириб келаётгани муносабати билан бир гуруҳ ҳамшаҳарларимиз дил сўзларига қўлоқ тутдик.

Жанна КУЮМЖОНОВА, Тошкент шаҳар арман миллий-маданий маркази аъзоси:

— Мен Асосий Қонунимиз қабул қилинган кўни катта байрам сифатида жуда қадрлайман. Чунки унда барча ҳуқуқ ва бурчларимиз белгилаб қўйилган. Айниқса V боб, 18-моддада кафолатлаб: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жиғиси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидa тенг-дўстлар» дейилишининг ўзи шу юрtda яшаб келаётган турли миллатлар кўнглини тоғдек кўтарди.

Турсунмат ХОЛБОЕВ, пенсионер:

— Конституция кўни байрамимиз биз ҳам сабрсизлик билан кутулимиз. Чунки бу кўн жуда катта аҳамиятга эга. Асосий Қонунимизнинг IX боб, 39-моддасида: «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаъқабини йўқотганда, шунингдек боқувчилардан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда иқтисодий таъминот олиш ҳуқуқига эга» деб кафолатлаб қўйилган. Бу эса ёшлиқда меҳнат қилиб қариганда қаровсиз қолмаслик, ўзининг кераксиз деб ҳис этмаслик, моддий ва маънавий томондан таъминланмиш унун кафолатли имкониятдир.

Республикамизда истикомат қилаётган турли миллатларнинг тинчлик-тотувликда, баҳамжихатликда яшаб келишлари инсон омилига бўлган эътибор ва ғамхўрликларидан деб биланман. Юртимиз тинч бўлиши, дорилкомон кўнлар боқилганига байрамларни нишонлаб юриш ҳаммамизга насиб этаверсин.

Азиза МУХСИМОВА ёзиб олди.

Иштирокига толе ёр НИЯТЛАРИМ АМАЛГА ОШДИ

● Ҳар бир шахс муқдор бўлишга ҳақли (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, IX боб 36-модда)

Қалбидa эзгу ниёти жўш урган ҳар бир инсон эртани ўйлаб яшайди, янгиликка, яхшиликка интилади. Ана шу эзгу ниёти йўлидаги интилиш, самарали меҳнат эса уни эл-юрт олқишига сазовор этади.

Мустақиллигимиз боис ҳамюртларимиз дилидаги эзгу максadлар юзага чиқди. Tadbиркорликнинг кенг қулоч ёйиши, уларга яратилаётган шарт-шароит, қўллаб-қувватлашлар натижасида мулкдорлар синфи шаклланиб бормоқда. Зеро Конституцияимизда ҳам ҳар бир шахсининг мулкдорлик ҳуқуқи кафолатланган. Шаҳримизда фаолият юритаётган «Азиза Сайфи кизи» хусусий корхонаси раҳбари Азиза Фуломова ҳам ана шундай максadлар йўлида изланиб, саъй-ҳаракатлари натижасида ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланаётган тadbиркор аёллардан саналади.

—Tadbиркорлик билан иш юритиш, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш бугунги кун талаби эканини жуда яхши англайман, — дейди Азиза Фуломова. — Қарангки, ота-боболаримиз орзу қилган кўнларга биз етдик ва унинг эртасини ўз меҳнатимиз билан яратиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш имкониятини қўлга киритдик. Авваллари хусусий корхона ташкил этиш ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам қуролмасдик. Моддалар ательесида ишлаб юрган келармидеа ўзининг мана шундай мулким бўлишини ниёти қилдик.

Асосий мақсадим ўз мулкимга эга бўлиб,

Иштирокига толе ёр

Ха, Азизанинг ҳаракатлари зое кетмади. Бугунги кўнига келиб хусусий корхонада 70 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ҳар бир миқдорнинг қўнглини топишга ҳаракат қилаётган чеварларнинг малака ва маҳоратлари ошиб боришига эришилмоқда. Корхонада йилдан йилга хизмат кўрсатиш сифати, ҳажми ва турлари ортиб бормоқда. Ана шу асосда келаётган моддий манфаатдорлик эса корхона ривожини, ишчи-хизматчилар учун яхши шароитлар яратишга сарфланмоқда.

—Корхонамиз ахли Бош Қомусимиз нишонланадиган кўни ўзига хос меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқда, — дейди Азиза Фуломова. — Негачи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — бу ҳар бир фуқаро бахти-саодатини белгиловчи, эзгуликка даъват этувчи ҳужжатдир. Эришаётган ютуқларимизнинг барчасида Конституцияимизнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Мен шундан фахрланаманки, Конституциямиз берган мулкдорлик ҳуқуқидан халким, юртим башт-саодати, фаровонлиги йўлида фойдаланишга интиляманман, иқтисодиётимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшаяпман.

—Корхонамиз ахли Бош Қомусимиз нишонланадиган кўни ўзига хос меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқда, — дейди Азиза Фуломова. — Негачи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — бу ҳар бир фуқаро бахти-саодатини белгиловчи, эзгуликка даъват этувчи ҳужжатдир. Эришаётган ютуқларимизнинг барчасида Конституцияимизнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Мен шундан фахрланаманки, Конституциямиз берган мулкдорлик ҳуқуқидан халким, юртим башт-саодати, фаровонлиги йўлида фойдаланишга интиляманман, иқтисодиётимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшаяпман.

Кўрик-танлов шартларида Асосий Қонунимиз ва миллий қадриятларимиз асосида ма-

Диляноза РИҒСОБА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
Домо бўлур...

• Донолар шундай дейди: Адаб — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини библиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни аналлашди. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлар билан бегайди. Адаб кишини энг чиройли хулқ билан қуролантиради. Натижада барча ақл эгалари бундай кишидан ҳар ишда рози бўладилар. Адаб эгаси эса кундан кунга обрў топади, аҳволи яхшиланади, ишлари равнақ топади. Баъзи ҳақимлар адабни энг масъул ва кўркем феълга эга бўлиш десалар, баъзилар нафсни барча қабиҳ одатлардан тозалаш дейдилар. Демак, кимда адаб бўлса, бу ноёб неъмат. Адаб — ақлнинг суянчиги, барча фазилатларнинг жони.

• Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.

• Умр оқар дарё, ёшлик билан қарилик ораси ўта қисқа.

• Улуғликнинг белгиси кичикларга ҳиммат кўрсатмоқдир.

• Қариганингда ёшликдаги бутун куч-қувват безавол ишга сарф бўлганини ҳис этишдан ортиқ бахт йўқ.

• Ёшликда нима эксанг, қариганингда шунини ўрасан.

• Кексаларни ҳурмат қил, устидан кулма, бир кун вақти келиб ўзинг ҳам шундай қартаясан.

БАЙТ:

Ёшмисан, кексани
сен ҳурмат айла,
Ўзинг ҳам қарийсан,
ҳозирдан ўйла.
Кексага кўмак бер —
суянган тоғинг,
Бунини тушунарсан
қариган чоғинг.

• Оғир тош ердан минг азоб-укубат билан кўтариб олинади. Уни ташлаб юбориш эса жуда осон. Ушбу мартабага эришиш худди тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадан тушиш эса тошнинг ташлаб юборишдек гап.

• Мажлисда «Бу ердан тур» демасликларни учун жойингни билиб ўтир.

• Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади.

• Суви йўқ анҳорнинг қадри йўқ.

• Донолар дейдиларки, агар киши эҳтиром ва эътибор гавхарини қидирувчиларидан бўлса, гавҳар каби яширин бўлсин. Токи уни изловчилар орзу гаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар, аксинча эътибор тамғасини нафс итининг бўйнидан олиб, гадолар каби қўлини очиб, ўткинчиларга таъна кўзи билан боқадиган бўлса, тегирмондек саргардон айланиб, қорин тўйдириш пайда бўлса, яхшига, обрў тилашини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, тиланчилик қилгани маъқул.

Қиш — синов даври

ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИГА ШАЙ

Пойтахтимиздаги транспорт хизмати кўрсатиш корхоналари ҳам «Қиш — синов даври» деган нақлга амал қилмоқдалар. «Тошшаҳарйўловчигитранс» Давлат уюшмасига қарашли «2-автосарой» очик турдаги акционерлик жамиятининг жамоаси ҳам масъулиятли вазифа — киши мавсумда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, яъни уларни кўзлаган манзилларга бехатар, эсон-омон етказиш йўлида режали саёй-ҳаракатларни амалга оширишди.

Жамият тасарруфида бугунги кунда 106 та транспорт воситалари мавжуд бўлиб, улардан 50 таси «Мерседес Бенц» русумидаги, 55 таси «ДЭУ» ва 1 та «Ла3» русумидаги автобусларни ташкил этади. Ҳар кун автобус саройидан 83 та автобуслар тонг саҳар пойтахтликлар ва меҳмонлар хизматида 16, 63, 68, 148, 1, 17, 72-йўналишлари бўйича йўлга чиқади. Барча йўналишдаги автобусларнинг моҳир ҳайдовчилари аҳолининг узоғини яқин, оғирини энгил қилиш йўлида тиним билмайдилар.

Мазкур корхонада автоуловларни

таъмирлаш учун устахоналар мавжуд. Техник назорат бўлимида эса автобуслар текширувдан ўтказилгандан сўнг рўйхат дафтарига ёзиб борилади ҳамда йўловчилар хизматида чиқиб кетаётганда эса автобуснинг ҳавога қанча ифлослантирувчи моддаларни чиқариши текширилади. Бу ерда шунингдек, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришнинг олдини олиш ва қамайтириш борасида бир қатор тадбирлар режаси ҳам ишлаб чиқилган.


Мавжуд транспорт воситаларининг техник созлигини меъёрда сақлаш

жуда муҳим ҳисобланади. Жамиятга қарашли автобусларни 2003-2004 йилги қиш мавсумга талаб даражасида тайёрлаш мақсадида корхонада тегишли режа-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ва маъмурият томонидан назоратга олинганлиги самара берди.

Ҳайдовчилар билан, биринчи навбатда қишда илк бор ишлайдиганлар билан алоҳида кўшимча йўриқномалар ўтказилди. Автокорхонадаги ишлаб чиқариш, маъмурий биналар, цехлар таъмирланди, жумладан, иссиқлик тизимлари, қозонхоналар, ёниқли қўйиш шохобчаси ҳам киши мавсумга шайланди, чилангарлар махсус кийим-бош билан таъминланган.

Киши мавсум алоҳида масъулият, тайёргарлик талаб қилиши ҳеч кимга сир эмас, албатта. Шунинг учун ҳам бу синов мавсуми бошланган айни кунларда ғайрат-шижоатли корхона транспортчилари йўловчиларни вақтида ва бехатар манзилларига элтиш йўлида меҳнат қилишмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



Эртанги кунимиз, нурли истиқболимиз Бахт қомусимизда кафолатлаб кўйилган. Уни ҳар қанча ўқисак, ўргансак арзийди.

Сергей Любич олган сурат.

Аждодларимиз мероси бўлмиш миллий кадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, фольклор-этнография соҳасини ўрганишга юртимизда катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтказилган анжуман «Аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғибот қилишда маданий-маърифий муассасаларни етук малакали кадрлар билан таъминлаш ҳозирги даврнинг муҳим вазифасидир» деб номланди.

Мақола

САҲНАДА ФОЛЬКЛОР ДАСТАЛАРИ

Тадбир аввалида халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият марказ раҳбарининг ўринбосари Ўткир Тоҳиров сўзга чиқиб, халқимизнинг ижодиёти, анъаналари, удумларига оид маълумотлар келтирди. Хусусан, ҳозирда юртимиз бўйлаб фольклор жамоаларининг кўпайиб бораётганлиги, ёш фольклорчилар халқимизнинг маданий тадбири байрамларида мунтазам қатнашиб келаётганликлари ҳақида гапирди.

Санъат ихлосмандлари, профессорлар, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар

иштирокида ўтказилган анжуманда йиғилганлар мавзу доирасида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, тадбирда Бектемир туман маданият уйи қошидаги «Гавҳар», Абдулла Қодирий номи Тошкент Давлат маданият институти қошидаги «Чашма», Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани маданият уйи қошидаги «Гулёр» ҳамда Тошкент вилояти Оққўрғон тумани маданият уйи қошидаги «Тўрғай» фольклор-этнографик халқ ансамбллариининг чиқиши бўлди. Улар фольклор санъати анъаналарининг

Табирлар

ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

Инсон саломатлиги энг бебаҳо неъматдир. Саломатлик — туман бойлик, деганларидек, ўз соғлигимиз билан жиддий шугулланмасак салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Оила эса жамиятимизнинг асоси ҳисобланади. Шу боисдан «ЖАР» спорт соғломлаштириш мажмуида «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактабининг навбатдаги машғулотига «Контрацептив воситалари — аёллар соғлиги гарови», «Бепуштлиқнинг олдини олиш» мавзуларида давра суҳбати ўтказилди.

Ушбу тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Никоҳ ва оила маркази ҳамда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг «Маънавият ва маърифат» бўлими томонидан ташкил этилди. Унда ёшларнинг жисмоний шунингдек, ақлий саломатлиги доирасида керакли маслаҳатлар бериш борасида етук мутахассислар иштирок этганлиги аҳамиятлидир. Тадбирда сўзга чиққанлар аёллар ва эркекларда учрайдиган бепуштлиқни келтириб чиқарувчи сабаблар, уларнинг олдини олиш чораларини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб беришди. Оилани расмийлаштириш, исталмаган ҳомиланинг олдини олиш

усуллари, контрацептив воситалар ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот берилди. Жумладан, шифокор Гулчеҳра Ҳамидова сўзга чиқиб, никоҳланувчи ёшларнинг албатта тиббий кўриқдан ўтишлари шартлиги, уларни ҳар тарафлама оила қуришга тайёр бўлишлари учун керакли ёрдам бериш зарурлиги хусусида таъкидлади.

Донишмандларимиз «Бола бошидан» деган нақлни бежиз айтмайдилар. Жамиятимизнинг бугуни, эртаси бўлган ёшлар нафақат никоҳланиш олдида, ўсмирлик вақтларида ҳам шифокорга мурожаат этиб турсалар, бунга ота-оналаримиз бепарво бўлмасалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қундуз РИЗАЕВА

ҳаётимизда катта аҳамият касб этишини яна бир бор исботлашди. Кеча ҳар бир фольклор-этнографик ансамбль ўзига хос йўли ва маҳорати билан ажралиб туриши, урф-одат, эътиқод, кадриятларимизнинг шаклланиб бораётганлигидан далолат бўлди.

«Маданий эътиқодларимиз орасида фольклор санъати кенг маънода тараққий этмоқда. Бунга ушбу анжуманимиз ҳам мисол бўла олади. Зеро, республикамизнинг барча ёш санъаткорларини йиғиб, анъана-удумларимизни битта саҳнага олиб чиқиш анчайин катта меҳнат талаб этади, — дейди Абдулла Қодирий номи Тошкент Давлат маданият институтининг Халқ ижодиёти кафедраси мудирини, профессор С.Йўлдошева.

Дарҳақиқат, кечада қатнашган юздан ортиқ фольклор ансамбллари иштирокчилари анъанавий халқ кўшиқларининг сайқал топиб замонавий эстрада санъатида муносиб ўрин тутганини намойиш этдилар.

Юлдуз Усмонов

Биласизми?**МОЙЧЕЧАК
ДАМЛАМАСИ
ФЙДАЛИ**

Мойчечакдан ҳар хил шамоллашларда даво сифатида, шунингдек, кўз ва юз терисини яхшилашда ҳам фойдаланиш мумкин. Кўзлардаги шамоллашни даволаш учун икки-уч дона мойчечак гулини олиб, устидан қайноқ сув солиб қусис. Илиқ ҳолатга келгандан сўнг кўзлар ювилади. Ёки 2 литр қайноқ сувга бир ховуч мойчечакни солиб, аралаштирасиз сўнгра ундан чиқётган бугга 10 дақиқа давомида юзингизни тутиб турасиз.

Бу муолажа нафақат кўзлар учун, балки юз териси учун ҳам жуда фойдали. Кўзлардаги чарчок ва шамоллашни олади, унинг таркибидаги кислоталар юз терисининг фаолиятини яхшилайди.

**ОЛМАНИНГ
ХОСИЯТИ**

Олма витамин ва фойдали моддаларга ниҳоятда бойдир. Унинг таркибида айниқса темир моддаси кўп. Уни қанчалик кўп истеъмол қилсангиз, шунчалик юз терингиз яхшилана боради. Олма иккига бўлиб, мағзидан юз терисини укалашда фойдаланиш мумкин. Олма бўлаги билан юз, бўйин териларини яхшилаб укалаш орқали унинг таркибидаги моддаларнинг юз терисига таъсири ҳам кучаяди. Юз терисининг юмшоқлиги, ноциклиги ортади.

**ЛАБЛАР
УЧУН ДАВО**

Асалнинг таркиби асосан глюкоза ва фруктозадан ташкил топганлиги инсон танаси соғлиги учун ниҳоятда фойдалидир. Унда шамоллашнинг олдини олиш, тана кувватини ошириш хусусияти кучли. Шунингдек, яраларнинг битишини тезлаштиради. Масалан: лаблар шамолдан ёрилиб ўз кўринишини йўқотганда асал энг яхши маҳкамдир. Бунинг учун лабларга асални суртиш керак холос. Бир неча муолажадан сўнг лабдаги ёрилган жойлар битиб кетади.

ҚАТИКЛИ НИҚОБ

Катик нафақат юз терисини юмшатади, балки уни тозалаш ва оқартириш хусусиятига эга. Катикдан ниқоб тайёрлаш учун 3бош қошиқ ёғсизроқ катик олинадиди ва унга 1 ош қошиқ лимон суви ва катикнинг зардоб (суви) солинадиди. Сўнгра 1 чой қошиқ ўсимлик мойи солиб аралаштирилади. Тайёр ниқоб юзга суртилади ва устидан сувда намланган сочиқ билан бекитилиб, 30 дақиқа давомида ўтирилади. Сўнг илиқ сув билан чайиб ташланади.

Долзарб навъу**ТАБИАТНИ МУСАФФО
САҚЛАЙЛИК**

Табиат, бу — кенг миқёсли тушунча бўлиб, ўз ичига атмосфера ҳавоси, тупроқ, очик сув ҳавзалари ва бошқа омилларни олади. Булардан энг асосийси эса атмосфера ҳавосидир.

Ҳозирги кунда техника ва автотранспортнинг жадал ривожланиши, техник меъёрларига риоя қилинмаслиги натижада атмосфера ҳавоси ифлосланмоқда.

Кўз мавсумида дарахлар барглари-нинг саргайиб тўкилиши ҳам тупроқнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Ушбу ҳазонларнинг корхона, ташкилот ва хусусий хонадонлар эгалари томонидан ўз вақтида йиғиштирмаслиги ва уларни айрим ҳолларда ёқиб юбориш ҳоллари кузатишмоқда.

Туманимиздаги маҳаллаларда, мавзеларда, шоҳкўчаларда йиғилиб қолган барг-ҳазонлар ва шоҳ-шаббалар ёқилишининг олдини олиш юзасидан маҳаллаларга, мавзеларга, магистрал кўчаларга ДСЭММ ходимлари бириктирилди. Бундан ташқари ҳазонларни ва шоҳ-шаббаларни ёқмаслик бўйича туман ободонлаштириш бошқармаси, 3-маҳсустрас корхонаси, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва корхона ҳамда ташкилот раҳбарлари номига хатлар юборилди. Вазиятни инобатга олган ҳолда туманимиз ҳокимлигида барг-ҳазонлар йиғилиб қолиши ва улар ёқилишининг олдини олиш мақсадида штаб ташкил қилиниб, ҳафтада 2 марта кўчаларга бириктирилган ташкилот раҳбарлари ўртасида олиб борилган ишлар бўйича муҳокамалар уюштирилмоқда. Туманимизда йиғилиб

қолган барг-ҳазонлар, шоҳ-шаббалар туман ободонлаштириш бошқармаси ва 3-маҳсустрас корхонаси томонидан йиғиб олиниб, махсус ажратилган жойга чуқур қазилиб, компост қилинмоқда. Лекин шунга қарамадан айрим ташкилотлар, корхоналар ҳудудларида ва шоҳкўчаларда, мавзеларда барг-ҳазон-



ларнинг уюлиб қолиш ҳоллари кузатишмоқда. Натижада баъзи бир шахслар ва корхона ходимлари томонидан йиғилган барг-ҳазонларни ёқиш ҳоллари учраб турибди.

Барг-ҳазонларни ёқиш жараёнида тутундан курум, ис гази (СО) ва бошқа газлар ажралиб чиқиб атроф-муҳит ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишига олиб келади. Бундай салбий ҳолатлар аҳоли ўртасида нафас олиш

органларининг касалланишига, юрак қон-томирлари касалликларининг кўпайишига, аллергия касалликларининг келиб чиқишига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги вақтда туман ДСЭММ ходимлари томонидан ҳазонларнинг ёқилишига йўл қўймаслик учун маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда ва ҳазонларни ёққан шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилмоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳамда шаҳримизда экологик мувозанатни сақлаш учун ҳазонлар, шоҳ-шаббалар ва чиқиндилар уюмларини ёқишга йўл қўймасдан ўз вақтида олиб чиқиб кетиш чора-тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда яшовчи аҳоли томонидан ҳазонларнинг айрим ҳолларда молларга озуқа сифатида берилиши ва аксарият ҳолларда эса уни ҳовлининг бир қисмида ўра қазилиб, чириш жараёни амалга оширилгандан сўнг ерларга солиб минерал ўғит сифатида фойдаланиш мумкин-ку. Агар ҳар бир хонадон эгаси ва корхона, ташкилотлар раҳбарлари бу масалага масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёндош-қўчаларга, кўчаларга, мавзеларга чиқариб ташланадиган ҳазонлар миқдорини камайтириш ва уларни ёқиш ҳолатларини бартарат этишга ўз ҳиссаларини қўшган бўлардилар.

Бу эса атмосфера ҳавосининг мусаффо бўлишига ва аҳоли саироматлигини сақлашга ижобий таъсир этади.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, шаҳримиз худудининг санитария ҳолатини сақлаш, атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш ва шаҳримиз аҳолиси саломатлигини сақлашда фаол иштирок этайлик.

Шухрат МИРЗАЕВ,
Ҳамза тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бош вақри.

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

АҚШ Юристар уюммаси (ABA/CEELI) Марказий Европа ва Евроосиё ҳуқуқий ташаббусининг ижрочи директори Элизабет Андерсен Ўзбекистонга ташрифи якунилари бўйича матбуот анжумани ўтказди.

Э.Андерсеннинг қайд этишича, республикага ташрифдан асосий мудио АВА/СЕЕЛl минтақавий бўлими фаолияти билан танишув, инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши билан боғлиқ вазиятни ўрганиш, давлат ва ҳуқуқни ҳимоялаш идоралари вакиллари билан уррашидан иборат эди.

Э.Андерсен сафар якунлари юзасидан ҳисобот тайёрлаб, уни АҚШ ҳукуматига тақдим этади. Бу Ўзбекистонда ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар билан батафсил танишув имконини беради.

— СЕЕЛl лойиҳаси 1990 йилдан буён ишламоқда, — деди Э.Андерсен. — Унинг сафарларида тўрт юз мингдан зиёд кўнгилчилар бор. Утган беш йил мобайнида дастур доирасида адвокатлар ва юристар турли мамлакатлардаги аҳолининг ҳимояланмаган қатламларига 50 миллион долларлик юридик ёрдам кўрсатди.

Э.Андерсеннинг айтишича, СЕЕЛl

Ўзбекистонда еттига йўналиш бўйича иш олиб бормоқда. Суд тизими, юридик таълим, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимларни аҳоли ўртасида тарқатиш шулар жумласидандир. Булардан энг муҳими учта йўналиш ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқида бепул юридик ёрдам кўрсатиш учун ижтимоий ҳимоя марказларини ташкил этиш, суд тизими ислоҳоти, инсон ҳуқуқлари бўйича юридик клиникалар фаолиятини ташкил этиш шулар сирасига киради.

Э. Андерсен қайд этганидек, унинг Ўзбекистонга келиши тасодифий эмас, чунки (АВА/СЕЕЛl) лойиҳалари бу ерда Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларга қараганда жадал амалга ошмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига риоя қилиш борасида Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларга намуна бўлиши мумкин, деди Э. Андерсен сўзининг якунида.

ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲА УЧУН

Тошкентда аёллар ноҳукумат ташкилотлари ўртасида энг яхши лойиҳалар танловига ўтказилди. У Республика Аёллар ресурс маркази томонидан уюштирилди.

Тадбирнинг асосий мақсади, но-давлат-нотижорат ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнаш, жамиятни улар фаолиятдан хабардор қилишдан иборат, — деди Аёллар ресурс маркази директори Марфуа Тўхтаўжаева. — Шу боис но-давлат аёллар ташкилотлари ўртасида табдиркорлик, таълим, кадрлар тайёрлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳаларида танлов ўтказилмоқда.

М.Тўхтаўжаевнинг таъкидлашича,

танловга ўттизга яқин ташкилотлардан ариза тушди. Аммо улардан йиғирматаси танловда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди. Фолиблар уч йўналишда аниқланади. Танлов фолибига, гран-при соврини, шунингдек энг ижтимоий фаол ва ўзига хос лойиҳаларга совринлар берилади. Бундан ташқари, қўшимча йўналишларда ҳам совринлар таъсис этилган. Айни пайтда Ўзбекистонда юзга яқин аёллар ННТлари фаолият кўрсатмоқда.

**ТОВАР ҚАНДАЙ
ЭКСПОРТ
ҚИЛИНАДИ?**

Тошкентда мамлакатимизда товарлар экспортни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган семинар ўтказилди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон икки томонлама битимлар доирасида жаҳоннинг 38 мамлакат билан энг қулай савдо тартибин тақдим этиди, МДХнинг 10та мамлакат билан эса эркин савдонин ўрнатди.

Маъруз тадбир «Markaziy Osiyo Sarguzasht Tur» МЧЖ томонидан ташкил этилди. Унда хусусий табдиркорлар ҳамда Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги мутасаддилари иштирок эттиди.

Тадбирнинг асосий мақсади табдиркорлик тузилмаларини божхона қонунчилигида юз берган кейинги ўзгаришлар, юклари божхонада расмийлаштириш ва бож тўловларининг ўзига хос томонлари билан таништиришдан иборат эди. Бундан ташқари, экспортга кўмаклашиш, у билан боғлиқ муаммолар ўрганиб чиқилди.

Учрашувда сўзга чиққан Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари экспорт ва импортни мувофиқлаштириш шартлари хусусида сўз юритдилар. Маълумки республикаимизда тўловнинг уч тури, яъни бож тўловлари, қўшилган қиймат ва акциз солиғи амал қилади. Шунингдек, божхона расмийлаштиришида товар нархининг 0,2 фоизи миқдорда йиғим олинади.

«Ўзбекэкспертиза» республика ҳўжалик бирлшмасининг бош директори Эркин Назаров келтираётган товарни сертификациялашнинг ўзига хос жиҳатлари билан таништирди. Унинг айтишича, тижоратчилар юклари келтиришда баъзан сохта сертификатлардан фойдаланишади. Бу қонунни бузиш ҳисобланади. Қонунбузарлик эса сўзсиз жиний жавобгарликка олиб келади.

«Туркистон-пресс»

Спорт

ТАЛАБАЛАР КУЧ СИНАШДИ

Кейинги вақтда ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб вояга етишларига имкон яратиш мақсадида мактабларда, олий ўқув юрларида турли хил спорт мусобақалари уюштирилди. Бу қувонарли ҳол албатта.

Ёшларимизнинг чақонлигиго эпчиллиги, зуқолиги ҳамда топқирлигини синодан ўтказиш мақсадида Тошкент Ислам университетда «Биз — тинчликсевар юрт фарзандларимиз» шiori остида спорт мусобақалари ташкил этилди. Маъзур илм масканининг замонавий спорт маъмулда спортнинг арқон тортиш, кураш, югуриш турлари бўйича уюштирилган беллашувлар қизиқарли ва муросасиз кечди. Университет раҳбарияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг университет бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақалар якунида голиблар совинлар, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиши, уларни турли хил фойдали тадбирларга кўпроқ жалб этиш мумкин вазибалардан биридир.

Куни кеча Тошкент шаҳар ИИББ ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида хайрли тадбир ўтказилди. Жамиятда соғлом турмуш тарзининг шаклланишида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс эканлигини аниқлаб етган мутасаддилар ташаббуси билан шахримиз маҳалларида истикомат қилаётган тарбияси оғир болалар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилганлиги қувонарли ҳолдир. Ушбу тадбирда иштирок этган келажагимиз ворислари спортнинг футбол, арқон тортиш, югуриш, шахмат, шашка турларида голиблик учун муросасиз кураш олиб боришди. Қизиқарли кечган мусобақаларда ҳакамлар хайвати томонидан энгил, чақон ва иқтидорли деб топилганларга эсдалик совғалари топширилди.

МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИБ ҚАЙТИШДИ

Россияда ногирон спортчилар ўртасида армрестлинг бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли турнирда жаҳоннинг 25 та давлатдан ташриф бурурган спортчилар голиблик учун ўзаро кураш олиб боришди.

Шуниси қувончлики, ушбу мусобақаларда мамлакатимиз тарма жамоасининг 6 нафар аъзосига омад кулиб боқди. Тарма жамоамиз вакиллари 2 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга кириштириб юртимизга ёруз юз билан қайтишди. Айниқса кўп марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритган Умид Аҳмедов ва Юсуф Қодировларнинг олтин медаллар шодасига эга бўлганлиги айни кунларда бу спортчиларимизнинг юқори спорт формасида эканликларини яна бир қарра исботлади. Шунингдек, ёш спортчилардан Фарид Усмоновнинг кумуш, Аваз Асодовнинг бронза медалига сазовор бўлганликлари юртимизда армрестлинг спорти ёшлар орасида омаллашиб бораётганлигидан дарак беради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Газетанинг навбатдаги сони 6 декабрда чиқади.

Мақдимоий

ЯНГИ ҚИЗИҚАРЛИ КОМЕДИЯ

Хабар берганимиздек, Алишер Навоий номидаги санъат саройида «Ўзбекино» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан суратга олинган «Дев билан пакана» кинофильмининг илк намойиши бўлиб ўтди.

«Дев билан пакана» фильмининг премьераси кино мухлисларининг комедия жанрига бўлган катта қизиқишини намойён этди. Ушбу тақдиротда фильм ижодкорлари, журналистлар ва кўлаб кино мухлислари иштирок этдилар.

«Ўзбекино» акциядорлик компанияси раиси ҳамда фильмининг сценарий муаллифи Мурод Муҳаммад Дўст тадбирини очар экан, фильм қизиқарли, оммабоп яратилгани, муаллифлар «Дев билан пакана» персонажларининг характерини очиш орқали миллийликни, ўзбекона

хислатларни кўрсатишга ҳаракат қилганликларини таъкидлади.

— Дев ва пакана образлари бир-бири қарама-қарши характер ҳамда қиёфали қахрамонлардир, — деди фильм режиссёри Жаҳонгир Қосимов. — Фильмда ёш актёр Нодир Сайдалиев Полвон образини ва Обид Асомов Зулфиқор образини мохирана ижро этдилар. Икки бош қахрамоннинг инсоний хис-туйғулари, муҳаббати, чин дўстлиги, бир-бирига бўлган садоқати фильмининг аҳамиятини янада оширади. Комедия

жанрида яратилган фильм мухлислари учун шунга айтмоқчи эдимки, «Дев билан пакана» шахримиздаги Алишер Навоий номидаги санъат саройида ҳамда Киночилар уйида намойиш этилади.

«Дев билан пакана» фильмида жуда бақувват, камтар-камсуқум, кўнгли тоза ўзбек йигитининг ҳаёт сўқмоқларига рўбарў келганлиги ҳақида хикоя қилинади. Фильм бош қахрамони Полвон тўғрисидаги раҳмдиллиги туфайли яқин дўстлар ортиради.

Янги фильмининг сценарий муаллифлари Насриддин Хўжаев, Мурод Муҳаммад Дўст, режиссёр Жаҳонгир Қосимов, бош тасвирчи Ҳамидулла Ҳасанов, монтаж устаси Улмасхон Хидирова, ролларни Баҳоидин Йўлдошев, Фотиҳ Жалолов, Мурод Ражабов, Фуқрат Файзиёв, Тўйчи Орипов, Марям Ихтиёрова ва бошқалар ижро этишган. Уйлаймизки, ушбу фильм кино санъати ихлосмандларига манзур бўлади.

(Ўз мухбиримиз)



БОР ИМКОНИАТЛАРИНИ ИШГА СОЛИШДИ

МХСК спорт залида Халқаро ногиронлар кўнига бағишлаб имконияти чекланган кишилар ўртасида пауэрлифтининг ётган ҳолда штанга кўтариш тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда «Скидив» болалар ва катталар ногиронлар спорт клуби ташаббуси билан уюштирилган турнирнинг элликка яқин иштирокчилари кўриш қобилиятларини мустаҳкамлаш мақсадида дартс бўйича ҳам ўзаро куч синашишди.

Шуниси эътиборга лойиқки, барча қатнашчилар катта қизиқиш ва интилиш билан яхши натижаларни кўрсатиш, ўз имкониятларини намойиш этишга ҳаракат қилишди. Зеро, иштирокчилар учун муҳими, галаба қозониш эмас, балки мусобақада қатнашиш эди.

Ҳакамлар ҳисоб-китоблардан сўнг аёллар ўртасида ётган ҳолда штанга кўтариш баҳсида 60 килограммгача вазнда Людмила Чупригина, 64 килограммга ўртасида Людмила Пак, 76 килограммгача спортчилар баҳсида Нина Бризгаловалар голиблар сафини бошқаришди.

Эркалар ўртасида эса 48 килограммдан бошлаб энг оғир вазндаги спортчи-ногиронлар ўртасида Александр Свиридов, Қобул Тоҳиев, Вячеслав Жу-жукало, Фарҳод Исмоилов, Ренат Мифтахов ва Шавкат Идрисовга тенг келадиганлар топилмади.

Дартс бўйича мусобақаларда эса Людмила Пак зафар кучган бўлса Любовь Чупригина ва Калашниковалар совинли ўринлар соҳиблари бўлишди. Эркалар беллашувларида Александр Свиридов, Ренат Мифтахов ва Олег Богатировлар энг кучлилар сафидан ўрин олишди. Барча голиб ва совиндорларга ташкилотчилар томонидан ажратилган дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: пауэрлифтинг бўйича мусобақадан лавҳа. Алексей Попов олган сурат.

Мақбурлар

БОЛАЖОН, ЎЗ ҲУҚУҚИНГНИ БИЛАСАНМИ?

Дунёга келган жажжи гўдак ўсиб-улғаяди, вояга етади, буларнинг барчаси унинг ҳаётда яшаш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлатади. У ўқийди, ўрганади, диний ва дунёвий билимлардан хабардор бўлади, камол тонади, демак ўсири билим олиш, ривожланиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Ҳеч қандай ташқи кучнинг болага таъйиқ ўтказишга, уни хўрлашга, камситишга ҳаққи йўқ. Зўравонлик, эксплуатация қилиш қонуан ман этилади.

Шунингдек 18 ёшга тўлган мустақил шахс сайловларда иштирок этиши, мулкка эгаллик қилиши ҳамда сиёсий партияларга аъзо бўлиш ҳуқуқларига ҳам эгадир. Буларнинг барчаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда 4 йирик категория сифатида алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Маълумки, Нью-Йоркда қабул қилинган 54-моддалан иборат Конвенция 1992 йил 9 декабрда Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган эди. Ушбу Конвенциянинг 14 йиллиги муносабати билан ҳозирда шахримиз боғчаларида, мактабларида, ўрта-маҳсус ўқув юрларида кўлаб амалий тадбирлар ўтказилмоқда. «Камолот» ЕИХ Акмал Икромов тумани бўлими кен-

гашининг «Камалак» болалар ташкилоти, Қизил ярим ой жамиятининг туман бўлими ҳамда тумандаги ўқув юрлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбири ҳам Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга бағишланди. Тумандаги «Камолот» ва «Камалак» сардорлари иштирок этган ушбу тадбирда ташкилотчилар ўсири ёшларга уларга тегишли ҳуқуқлар, мажбуриятлар тўғрисида тушунтириш, Конвенциядаги ҳар бир модданинг мазмун моҳияти, ижобий жиҳатлари ҳақида атрофлича изоҳлар беришди.

Шунингдек, тадбирда иштирокчиларга Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир китоблар ва буклетлар топширилди.

Орзуғул РУСТАМОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪЛОНЛАР

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда, кундалик ташвишлар билан бозор ва транспортларда юрган пайтингизда хонадонингиз ва мулкингизини жиний тажовузалардан ким ҳимоя қилади?

Бундай хизматни шахримиздаги Марказлаштирилган қўриқлаш пульталари бажаради. Ушбу пульта бу борадаги энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан энг арзон қўриқчидир!

Хонадонингиз ва мулкингиз дахлсизлигини истайсизми?

Марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси ва туман қўриқлаш бўлимларига мурожаат қилинг!

Мурожаат учун телефонлар: 133-37-83, 34-01-69, 133-01-44



Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Ёълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳоқимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.

3557 нусxada босилди. Қўроғ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашир кўрсаткичи — 563

Газета «Тошкент оқшоми» Давлат матбуот қўроғида 10-рақами билан дўрифта олишган

Наширн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиди ва сақлланади.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқсонси. Корхона манзили: «Буёқ Тўро» кўчаси, 41-уй.

Топширилди 12.25

I 3 4 5 6